

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ҳимояга

Кафедра мудири

« _____ »

« ____ » _____ 2014 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу:

**Андроид қурилмалари учун “Christomet” ресторани электрон менюсини
яратиш.**

Битирувчи: _____
(имзо) (ф.и.о.)

Рахбар: _____
(имзо) (ф.и.о.)

Ҳаёт фаолияти
хавфсизлиги дан
маслаҳатчи: _____
(имзо) (ф.и.о.)

Тақризчи: _____
(имзо) (ф.и.о.)

Тошкент 2014

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
Факультет КИ кафедра Ахборот технологиялари
Йўналиш (мутахасислик) Информатика ва ахборот технологиялари

Тасдиқлайман

Кафедра мудири _____

« ____ » _____ 2014 й.

Малакавий битирув ишига

Т О П Ш И Р И Қ

Зокиров Миржалол

(фамилияси, исми, отасининг исми)

1. Иш мавзуси андроид курилмалари учун “Christomet” ресторани электрон менюсини яратиш.
 2. _____ даги № _____ сонли буйруқ билан тасдиқланган.
 3. Ишни ҳимояга топшириш муддати _____
 4. Ишга оид дастлабки маълумотлар: Битирув олди амалиёти материаллари,
 5. Ҳисоблаш – тушунтириш ёзувларининг мазмуни (ишлаб чиқилган масалалар рўйхати: I. Назарий қисм, II. Соҳа таҳлили ва масаланинг кўйилиши. III. Дастурий таъминот тузилиши ва фойдаланувчи йўриқномаси. IV. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари , хулоса.
 6. График материаллар рўйхати: экран кўринишлари
 7. Топшириқ берилган сана _____ йил
- Раҳбар _____ Топшириқ олдим _____

(имзо)

(имзо)

8.Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар

Қисм	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.Ши.	Имзо, сана	
		Топширик берилди	Топширик олинди
Асосий қисм			
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги			

9.Ишни бажариш графиги.

Т.Р	Иш қисмларини номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи) Белгиси
1	Кириш	2.02.14	
2	I боб. Назарий қисм	2.03.14	
3	II боб.Соха тахлили ва масаланинг қўйилиши	26.03.14	
4	III боб. Дастурий таъминот тузилиши ва фойдаланувчи йўриқномаси	2.04.14	
5	IV боб Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	10.05.14	
6	Хулоса	21.05.14	

Битирувчи _____ 2014 йил « ____ » _____
(имзо)

Раҳбар _____ 2014 йил « ____ » _____
(имзо)

Ушбу малакавий битирув иши Андроид курилмалари учун “Christomet” ресторани электрон менюсини яратишдан иборат. Мазкур лойиҳада "Cristomet" ресторани менюси онлайн версияси яратилган. Бунда маълумотларни сақлашда SQL Lite маълумотларини бошқариш тизимидан(СУБД) фойдаланилган.

Данная выпускная квалификационная работа посвящена созданию электронного меню ресторана “Cristomet” для устройств Андроид. В проекте разработана онлайн версия меню ресторана “Cristomet”. При этом для хранения данных использована система управления базами данных (СУБД) SQL Lite.

This Graduate work is devoted to creating an electronic restaurant menu "Cristomet" for Android devices. The project developed an online version of the restaurant's menu "Cristomet." At the same storage used database management system (DBMS) SQL Lite.

Мундарижа

Кириш.....

I БОБ. НАЗАРИЙ ҚИСМ

1.1 Инновацион лойиҳаларининг ахборот

таъминоти.....

1.2 Мобил ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва унинг
хусусиятлари.....

II БОБ. СОҲА ТАҲЛИЛИ ВА МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

2.1 Ресторанлар бизнеси соҳасида ахборот технологияларни

қўллаш.....

2.2 Андроид операцион тизими ҳақида

2.3 "Cristomet" ресторани менюси электрон маълумотлар базасини яратиш
босқичлари.....

III БОБ. ЯРАТИЛГАН ДАСТУРИЙ ТАМИНОТДА ИШЛАШ БЎЙИЧА Фойдаланувчи йўриқномаси

3.1 Аппарат ва программ таминотига кўйилган талаблар.....

3.2 Дастурни ишлатиши бўйича йўриқнома.....

IV БОБ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ЧОРАЛАРИ.

4.1 Иш жойларини ташкил қилиш.....

4.2 Электр токи, электромагнит нурланишларнинг организмга таъсири
ва уларда ҳимояланиш.....

4.3 Микроклим ва ишчи ҳудудининг ҳаво муҳити

4.4 Фавқулодда вазиятларда ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш
тамоийллари ва усуллари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Илова.....

Кириш

Ахборот инқилоби дунёни жуда тез суратларда ўзгартириб, инсониятга унинг ҳаётий фаолияти соҳаларида янги ечимлар ва имкониятларни тақдим этмоқда. Янги ахборот коммуникация технологиялари ва ҳисоблаш техникасининг жадал тараққиёти натижасида ташкил топган ахборот инқилоби сиёсий, иқтисодий, ижтимоий – маданий соҳалардаги туб ўзгаришларнинг сабаби бўлиб бормоқда. Интернет каби глобал ахборот тармоқларининг юзага келиши, анъанавий иқтисодиёт моделлари ва бизнесни жиддий тарзда ўзгартирмоқда, конвергенция жараёни технологик, иқтисодий ва ҳуқуқий чегараларни ювиб юбормоқда. Ахборот ва иш излашда, тиббий хизмат кўрсатиш ва масофавий таълим олишда “он–лайн” тизимида турли хил хизматларни тақдим этмоқда. Шу билан бирга, янги иқтисодиётнинг қарор топишида янги технологияларнинг қўлланиши ҳисобига меҳнат самарадорлиги ва инновативликнинг жиддий ўсиши кузатилмоқда. Бироқ, сайёрамиздаги кўплаб кишилар бу хизматдан бебаҳрадирлар. Ваҳоланки, ривожланган ахборот хизматлари бозори тайёргарлигига эга бўлган кенг оммани жалб этмасдан туриб, бу фаолият соҳасини шакллантириш мутлақо мумкин эмас. Шу муносабат билан мазкур муаммонинг ечими энг аввало, ҳар бир алоҳида давлатнинг ахборот сиёсатига ушбу йўналишда қанчалик яқин ва маҳсулдор фаолият юритишларига боғлиқ. Жамиятни ўзига хос равишда компьютерга эга бўлганлар, ундан фойдалана оладиганларга ҳамда на техникага ва на тегишли малакаларга эга бўлмаганларга бўлиниши юз бермоқда. Эндиликда саводхонликнинг янги тури — компьютер саводхонлиги юзага келди. Компьютер билан ишлашга уқувсизлик эса бугунги кунда амалда нуфузли ва юқори ҳақ тўланадиган ишга эга бўлиш, чипталарни буюртма қилиш, ўз банк ҳисоб рақамида турли операцияларни амалга ошириш каби янги электрон хизматлардан фойдаланишга имкони бермайди. Иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши учун, давлатнинг глобал ахборот

тармоқларида иштирок этиш учун “электрон тайёрлиги” тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бормоқда. Бунда тегишли кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган мамлакатлар ишнинг бошланишиданок мағлубиятга учрамоқда. Бу ҳолат сиёсий тафаккур йўналишининг мажбурий тарзда ўзгартирилишига олиб келмоқда. Сиёсатчилар ўз хусусиятларига кўра, у ёки бу давлат доирасида шунингдек, халқаро тизимлар кўламида жамиятга ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги ахборот телекоммуникация технологияларининг келгусидаги тараққиётини режалаштириш заруратини ҳис эта бошладилар. Жумладан, ахборот муҳитида конфронтация ва ўзаро қарама-қаршиликнинг кенгайишига, шунингдек, ривожланган мамлакатлар билан дунёнинг қолган қисми ўртасидаги “рақамли тенгсизлик”нинг кучайишига, янада қалтислашувига йўл қўймаслик ниҳоятда муҳим. Бундай хавф-хатарлар бугунги кундаги воқеликда реал мавжуддир. Аммо одамзодга берилган ва келажакда янада кўпайиши кутилаётган очиқ-ошқора неъматлар билан бир қаторда ахборот инқилоби ўзи билан мутлақо янги муаммоларни ҳам олиб келмоқда. Уларнинг орасида мамлакатлар ва минтақаларнинг рақамли тенгсизлиги, Интернет тармоғини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, бу соҳадаги электрон тижорат ва солиққа тортиш, ақлий мулк масалалари, ахборотнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш муаммолари, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда ўз тасаввуридаги рақибнинг хусусиятларини тикиштириш мақсадларида яқка шахс ва жамоатчилик онгига психологик таъсир кўрсатиш имконияти кабилар бор. Уларни ҳал этишнинг муваффақияти глобал ахборотлашган жамият ривожига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Интернет имкониятлари ва умуман, ахборот телекоммуникация технологиялари имкониятларини номақбул қўллаш жаҳон ахборот макони доирасидаги жиддий муаммо ҳисобланади. “Рақамли тенгсизлик” (ёки “рақамли узилиш” — digital divide) атамасини Кўшма Штатларда 90 йилларнинг ўрталарида қўллай бошлаганлар. Бунда янги ахборот технологияларига имконлиликдаги нотенглик муаммосини белгилаш

мақсад қилинган, аниқланишича бу масала нафақат халқаро даражада, балки ҳар бир алоҳида олинган давлатнинг ичидаги микро даражада ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам “рақамли тенгсизлик” деб ном олган ҳолатни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда 2006 – 2015 йилларда ер устки рақамли телевидениесининг чегаравий ривожлантириш бошланди. Ўзбекистонда қабул қилинган ер устки рақамли ва овозли эфирга узатишнинг концепциялари ер устки рақамли телевизион ва овозли эфирга узатишда DVB – T ва T – DAB европа стандартларининг мослиги тан олинган. Айни пайтда Самарқанд, Қаршидаги рақамли эфирга узатишнинг тажриба зоналарида 90-йиллардан олдин ишлаб чиқарилган инфокоммуникацион қурилмалардан фойдаланилмоқда. 2002 – 2005 йилда серияли рақамли телевизион жиҳозларни ишлаб чиқариш, кадрларни тайёрлаш ишлари бошланди ҳамда министрлик, республика, мамлакат ички ва Ўзбекистон Республикасининг марказий вилоятларини телевизион станцияларининг кенгайтирилиши билан ифодаланади. Зеро, мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек “Биз оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, ахборот соҳасини жадал ривожлантиришни фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисми деб баҳолаймиз.” 2006 – 2015 йилларда ер устида ривожланаётган рақамли тармоқлари мамлакатнинг барча чегараларига тарқалиб, жиҳозлар сервис хизмати марказларини ишга солиш таъминланмоқда. Режада мамлакатимиз ривожланиши учун янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида миллий стратегияларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Ушбу “электрон” стратегиялар ҳар бир соҳада, шу билан бирга телекоммуникация соҳасида янги технологияларни ривожлантиришга қаратилган глобал сиёсат, шу жумладан, электрон тизимлар ва алоқа воситалари соҳасидаги, шунингдек, умуман рақобатбардошликни оширишга қаратилган ҳукумат ташаббусларининг асосини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда бизнес юритиш соҳасида рўй бераётган туб ўзгаришларнинг асосий харакатлантирувчи кучи бу – ахборот технологиялари ҳисобланиб, улар барча бозор субъектлари ўртасида ўзаро алоқаларнинг ҳал қилувчи омили, компаниялар бизнес жараёнларини амалга оширишда қўлланувчи бизнес юритиш воситасига айланди.

Бозор иқтисодиётининг замонавий ривожланиш босқичларида инсон фаолиятининг барча соҳаларида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурати туғилмоқда. Унинг таъсирида ишлаб чиқариш экстенсив ўсишдан интенсив ўсишга ўтмоқда. Меҳнат тақсимотида ва бошқариш технологиясида беҳисоб салмоқли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, янги ахборот технологияларини татбиқ этиш жараёни бутун дунё компьютер тармоғи - Internet мисолида яққол кўзга ташланмоқда, чунки миллионлаб компьютердан фойдаланувчилар ягона информацион муҳитда ишламоқдалар.

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашиш жараёнида интернет технологияларининг аҳамияти беқиёсдир. Бунинг тасдиғини мамлакатимизда мобиль интернетнинг тезкор суръатларда оммалашиб бораётганидан ҳам билса бўлади. ЮНЕСКО ва Халқаро электр алоқаси иттифоқи (ХЭАИ) кўмагида тайёрланган БМТ Комиссиясининг кенг полосали алоқа бўйича маърузаси маълумотларига кўра бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 30,2 фоизи интернетдан фойдаланади. 2012 йил 24 сентябрь куни БМТ Ахборот маркази берган маълумотга кўра, аҳолининг интернет билан қамров даражаси бўйича Исландия етакчилик қилмоқда. Бу ерда интернетдан аҳолининг 95 фоизи фойдаланади. Йирик мамлакатлар орасида энг катта муваффақиятга Германия эришган, бу ерда аҳолининг 83 фоизи интернетдан фойдаланди. АҚШда бундай имконият 77,9 фоизи, Россияда 49 фоизи ва Хитойда 38,3 фоизи аҳолида мавжуд.

Ушбу малакавий битирув ишини бажаришдан мақсад -мобил алоқа тизимлари учун "Cristomet" ресторани учун электрон меню дастур иловасини яратишдан иборат.

Мазкур дастурда кўриб чиқилган фаолият тури мобил операцион тизимларининг ривожланиш босқичи шароитида амалга оширилган бўлиб, унда iOS тизими учун дастур яратиш назарда тутилган. Мазкур битирув малакавий ишни тайёрлашда “Apple” компаниясининг Mac OS X Snow Leopard операцион тизимидан фойдаланилган.

Малакавий битирув ишида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлими ҳам келтирилиб, унда дастурдан фойдаланувчилар учун яратиладиган шарт – шароитлар баён этилган.

Мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий иш асосан қуйидаги мақсадларни ўз ичига олади:

- Мобил операцион тизимлари ва уларнинг имкониятлари соҳасини ўрганиш.
- *Mac OS X Snow Leopard* тизимида ишлаш амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.
- Object C дастурлаш тилида дастурлашни ўрганиш
- iOS тизими учун дастурий восита яратиш кўникмаларни амалда қўллаш.
- Такси хизмати билан шуғулланувчи компаниялар учун мобил телефондан географик жойлар ҳақидаги маълумот олувчи дастур ишлаб чиқиш.

Мазмуни: Мазкур битирув малакавий ишнинг мазмуни, фан техника ютуқлари кириб бормаган соҳа қолмаган ҳозирги даврда, ривожланишнинг кейинги эволюцияси дея эътироф этилаётган мобил алоқа тизимлари учун "Cristomet" ресторани учун электрон меню дастур иловасини яратишдан иборат.

Амалий аҳамияти: "Cristomet" ресторани мижозлари таомномани iPad қурилмалари ёрдамида билиш имкониятига эга бўладилар.. Мен ўйлайманки, мазкур амалий дастур Ўзбекистонда мобил операцион тизимлари учун дастурий восита ишлаб чиқариш соҳасида ўзининг ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Бу битирув малакавий иш IV боб ва хулоса қисмларидан иборат.

*1-боб*асосан назарий қисмдан иборат бўлиб, унда “Apple” компаниясининг ташкил топиш ва унинг iOS операцион тизими ҳақида назарий маълумотлар берилган.

*2-боб*да эса масаланинг қўйилаши ва “Critomet” ресторани соҳа фаолияти ҳақида батавсил баён этилган

*3-боб*да яратилган дастурий воситанинг ишлатиш бўйича йўриқнома ва унда қўшимча қилинган иловалар ҳақида батавсил ёритилган.

*4-боб*да ҳаёт фаолияти хавфсизлигига доир масалалар ёритилган.

ИБОБ.НАЗАРИЙ ҚИСМ

1.1 Инновацион лойиҳаларининг ахборот таъминоти

Охирги пайтларда жамиятимизда инновацион лойиҳалар ва жараёнлар моделлари пайдо бўла бошлади. Дастлаб таркибий, ҳозир эса математик, имитацион ва ахборот моделлари дунё юзини кўрди. Ташқи муҳит тўғрисида ахборотларни тўплаш осонлашгани ва уни шакллантиришни ўрганилганлиги учун ҳам мумкин бўлди. Яратилаётган моделларнинг муҳит билан етарлича келишилган даражаси пайдо бўлди. Шу асосда инновацион лойиҳалар учун ҳам техник тизимларни моделлашда анъанавий қўлланиладиган усуллар қўллана бошланди, инновацион лойиҳа тенгламалар, реакциялар, таъсирлар ва параметрлар нуктаи назаридан кўрила бошлади. Моделлаш муаммосини ечиш моделлаштирилаётган жараённинг асосий хоссаларини таҳлил этишга асосланган. Танланган моделлаштириш усули ва услуби математик моделлаштириш ва унинг элементларини яратиш ва қўллаш орқали бошқариш қарорларини қабул қилиш самарадорлигини ошириш долзарб масаласини ечиш имконини бериши шарт. Инновацион дастурлар ва жараёнларни ёритган илмий

- техник адабиётларда бошқарувчи бажариши шарт бўлган бир қанча босқичлар ва функциялар келтирилган. Қарорларни асослаш, экспертиза ўтказиш ва танлов асосида ташаббусли таклифларни саралаш ҳар бир босқич учун умумий саналади. Информацион муҳит янгиликларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнларининг муҳим қисми ҳисобланиб, ўзининг шаклланиши ва сақланиши учун инновацион фаолиятнинг барча босқичларида сезиларли куч ва ресурсларни талаб этади. Кўриниб турибдики, инновация тўғрисида қарорлар қабул қилишнинг ахборотли ишланмаси қанчалик чуқур бўлса, қарор қабул қилиш шунчалик асосланган бўлади. Бунинг натижаси ўларок унинг амалга оширилиши муваффақиятли бўлади. Етарлича бўлмаган ахборот таъминоти янгиликларни ютуғи тасодифан бўлишига, баъзи ҳолларда эса етарли бўлмаган воқифлик натижасида маълум омилларни эътиборга олмаслик инновациялардан уларни жорий этишнинг охирги

босқичларида воз кечишга олиб келади. Илмий инновацион соҳанинг информацион инфратаркибининг ривожланиши ва такомиллаштирилиши кўп режали мажмуий характерга эга ва қуйидаги йўналишлар орқали олиб борилади:

- инновацион жараённинг турли босқичларини самарали ахборотли таъминлаш мақсадида давлат илмий-техник ахбороти ва информацион ресурслар ривожланишини такомиллаштириш;

- замонавий телекоммуникацион технологияларни қўллаш орқали компьютер тармоғини ривожлантириш. Бу ҳолда инновацион жараённинг барча қатнашчилари самарали ўзаро ҳамкорлиги таъминланади; - илмий инновацион соҳа инфратаркибининг ахборотли самарали ишлашини оширувчи янги информацион технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш. Инновацион фаолиятни ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- долзарб йўналишлар бўйича илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни бажарувчилар имкониятларини ва илмий-техник натижалар банк маълумот-ларини яратиш ва тўлдириш;

- йироқдаги информацион марказлар ва маълумотлар базалари билан алоқа ўрнатиш, шу билан бирга хорижий телекоммуникацион тизимларни қўллаш орқали; - инновацион фаолият соҳасида манфаатдор ташкилотлар ва шахсларни информацион база маълумотлари (ИБМ) ва интернет информацион ресурсларига кира олишини таъминлаш; - илмий ҳажмдор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни молиялаштиришдан манфаатдор бўлган ташкилотлар ва жисмоний шахслар учун илмий ҳажмдор маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳалар, таклифларни қидириш ва саралаш;

- илғор фирмаларнинг товарларига бўлган эҳтиёжлар банк маълумот-ларини яратиш ва тўлдириш ва ҳ.к. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мобайнида корхона ва ташкилот раҳбарлари ва мутахассисларига ҳамда мустақил равишда шуғулланаётган жисмоний

шахсларга турли қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишга тўғри келади. Бу ҳолда қуйидагиларни таъминлаш лозим:

- инновацион жараённинг ҳар бир қатнашчисига умумий ва махсус ахборотларни олиш имконияти;

- илмий-техник ишланма ҳақидаги маълумотларни ошириш имконияти;
- қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган турли ахборот манбаларига қира олишни, улар мавжуд бўлмаган ҳолда эса бу ахборотларга эга бўлган контрагентларга йўллаш;

- баъзи "интеллектуал" функцияларни бажариш. Авваламбор, инновацион жараённи жорий этиш мобайнида муҳим қарорларни қабул қилувчи қуйидаги шахслар ахборот билан таъминланиши лозим: инновацион лойиҳанинг илмий раҳбари; инновацион менежер; илмий изланувчи; конструктор; технолог; лойиҳачи; маркетинг; рекламачи; ҳуқуқшунос; метролог; молиячи; иқтисодчи; логистик; инновацион корхона раҳбари

- янги маҳсулот / хизмат истеъмолчиси. Инновацион жараённинг мазкур қатнашчилари таъминланиши шарт бўлган ташқи ахборотнинг таркиби бир нечта омиллар гуруҳлари билан аниқланади: биринчидан, инновацион жараён қатнашчилари томонидан ҳал этиладиган масалалар турлари. Булар таркибига кўп маротаба ва бир маротаба ечиладиган масалалар кириши мумкин; иккинчидан, қатнашчилар ишлаб чиқадиган қарорлар характери. Бу турдаги масалаларни ечиш учун махсус усуллар қўлланилиши мумкин; учинчидан, инновацион жараён қатнашчиларининг ахборотли эҳтиёжларининг улар томонидан масалаларни ҳал этиш усулларига боғлиқлиги; тўртинчидан, қатнашчиларнинг мустақил равишда махсус керакли маълумотлар базасини яратиш ва сақлаб туриш имконияти; Бу ҳолда тизим доирасида, биринчи навбатда, инновацион жараённинг бир қанча қатнашчиларига масалаларни ҳал этиш имкониятини берувчи ахборот массивлари шакллантирилиши лозим.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида ахборот муҳим товар турларидан эканлиги назарда тутилса, инновацион жараён

катнашчиларининг ахборот таъминоти муаммосини ечиш уларнинг молиявий имкониятларига кўпроқ боғлиқ. Уларнинг кўпчилиги учун тўлиқ ахборот массивларини олиш ва мустақил равишда керакли маълумотларни излашни амалга ошириш амалий жиҳатдан мумкин эмас. Шу билан бир қаторда инновацион жараён катнашчиларига турли ахборот базаларидан олинган маълумотлари керак бўлади. Ҳозир ҳар қандай йирик корxonани инфорацион тизимсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ахборот хом-ашё, меҳнат ва капитал сингари тўртинчи йирик иқтисодий омил сифатида шаклланимоқда. Амалиётда инфорацион технологияларни жорий этиш лойиҳалари (ИТ лойиҳалар) самарадорлигини баҳолаш асосий тамойиллари бир нечтадир, яъни:

-ИТ мутахассисларининг қарорлар қабул қилишда корxonанинг қолган бўлимлари менежерлари билан ҳамкорлиги;

- ИТ - лойиҳани мустақил инвестицион лойиҳа сифатида кўрилиши;

- мазкур компания учун чегаравий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш;

- лойиҳани қўллаш билан боғлиқ иқтисодий фойдани аниқлаш;

- кўзда тутилаётган жорий этиш натижаларини компаниянинг стратегик мақсадларига уйғунлаштириш;

- инфорацион технологияларни жорий этиш ва қўллашга тегишли барча харажатларни ҳисобга олиш. Самарадорликни аниқроқ баҳолаш юқорида қайд этилган тамойилларга амал қилингандагина мумкин. ИТ - лойиҳага сарфларни баҳолашнинг кенг тарқалган инструменти бу Total Cost Ownership - ТСО (эгаллик қилишнинг таннарх усули)дир. Бунда аниқ баҳолашни олиш учун қуйидаги кўрсаткичларни киритиш лозим:

- янги тизимга ўтиш таннархи;

- ИТни жорий этиш билан боғлиқ бўлган техник ва тижорий таваккалчилик;

- ИТ лойиҳани қўллашга тегишли бошқа қўшимча харажатлар. ИТни жорий этиш мақсадларига фойданинг ортиши, харажатлар ва йўқотишлар камайиши, корxона захираларини қўллаш кабилар киради. Бундан келиб

чиқадики, мумкин бўлган иқтисодий фойдани қуйидагича таснифлаш мумкин:

- ялпи фойданинг ўсиши; - молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, рентабеллик, фаол ишчанликнинг яхшиланиши;
- харажатлар ва турли турдаги тўловларни камайтириш;
- рақобатбардошликнинг оширилиши; - корхонанинг ташкилий тузилмасини оптималлаш ва бошқ.

Фақат шу ҳолдагина ИТ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш технологияларнинг ютуқ ва камчиликларидан келиб чиқиб эмас, балки компания учун самарадорлиги нуқтаи - назарига кўра амалга оширилади. Бундан ташқари корхонада умумий ахборотлаш стратегияси ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир жорий этилаётган ИТ лойиҳа шу стратегияга мос келиши керак. Баён этилган тамойилларни қўллаш жорий этилаётган ИТ лойиҳалар самарадорлигини ва корхона фаолиятига таъсирини кераклича аниқ баҳолаш имконини беради. Бу каби ёндашиш инфорацион технологияларни бошқаришни тақозо этади. Информацион фаолият ҳолатининг таҳлилидан шу кўринадики, инновацион фаолиятни илмий - техник ахборотлар билан тез ва тўлиқ ҳажмда таъминлаш учун бир қатор масалаларни ечиш лозим. Ҳозирги замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ахборот муҳим товар тури ҳисобланиб, инновацион жараён қатнашчиларини ахборотли таъминоти муаммосини ечиш кўп ҳолларда уларнинг молиявий имкониятларига боғлиқ. Уларнинг кўпчилиги учун амалда керакли тўлиқ ахборот массивларини олиш ва керакли маълумотларни излашни амалга мустақил равишда ошириш мумкин эмас. Шу билан бир қаторда инновацион жараён қатнашчиларига турли маълумотлар базасидаги ахборотлар керак бўлади. Фундаментал изланишлар босқичида булар қуйидаги маълумотлар базаси ҳисобланади:

- амалий ишланмалар асосига қўйилиши мумкин бўлган янги илмларни олишга мўлжалланган фундаментал изланишлар йўналишлари

(изланишлар ҳолати, уларни амалга ошириш муддатлари, қатнашчилар, олинган назарий ва амалий натижалар);

- аниқ йўналишлар бўйича фундаментал изланишлар мобайнида олинган фойдали ғоялар, моделлар, самаралар ва бошқалар. Амалий изланишлар ва ишланмалар босқичида булар қуйидагилардир:

- олинган фойдали ғоя, модел ва самараларни аниқ қўлланишга мўлжалланган қидирув ва амалий изланишлар йўналишлари (изланишлар ҳолати, уларнинг амалга ошириш муддатлари, қатнашчилар, олинган назарий ва амалий натижалар); - илмий-амалий изланишлар натижаларини янги товарлар, лаборатория моделлари ёки тажриба намуналарига айлантириш бўйича ишланмалар (изланишлар ҳолати, уларни амалга ошириш муддатлари, қатнашчилар, олинган назарий ва амалий натижалар, ишланмалар мақсади); - ўтказилаётган изланишлар ва ишланмалар ҳимоя даражаси (ишланмалар тўғрисидаги маълумотларнинг ёпиқлиги, патент учун аризаларнинг берилганлиги, ақлий мулк объектларига олинган патентлар ёки бошқа ҳужжатлар). Тажриба конструкторлик ишлари босқичи учун булар:

- қўлланилаётган схемавий - компоновкали ва бошқа конструктив ечимлар;

- янги товарларни ишлаб чиқаришда ва қўллашда ишлатилиши мумкин бўлган материаллар, деталлар, узеллар, бутловчи ва бошқа компонентлар; - инновацион корхона янги товарларига ўхшаш товарлар ишлаб чиқариш технологиялари; - ишлаб чиқарилаётган янги товарлар ва технологияларга хос бўлиши зарур бўлган техникавий, экологик ва бошқа шароитлар (жумладан, ишланиш ва муҳофама босқичидагилар учун ҳам); - мавжуд конструктив ва технологик ечимлар ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидагиларнинг ҳимоя даражаси; - конструктив - технологик ишланмалар бажарувчилари ва бошқа инновацион жараён қатнашчилари. Янги товарларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш босқичи учун маълумотлар базаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инновацион корхона янги товарига монанд товарлар ишлаб чиқарувчи фирма товарларининг истеъмол хоссалари; - янги товарлар ишланмаларининг тугалланганлиги, бошқа бизнес таклифлар ва бизнес - режалар;

- янги товарларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун мумкин бўлган молиялаш манбалари;

- янги товарларни сотиш бозорлари - бозорлар ҳажми, асосий сегментлар тавсифи (сотувнинг умумий ҳажми, баҳо даражаси, сотув ҳажмининг камайиши, динамика - ўсиш, стагнация);

- янги товар - маҳсулот, хизматлар, технологиялар истеъмолчилари (истеъмолчиларнинг асосий гуруҳлари, уларнинг сони, янги товарлар истеъмоли нуқтаи назарилан бақувватлилиги, истеъмолчи олиши мумкин бўлган ахборот каналлари ва материал - техник таъминот каналлари);

- рақобатчиларнинг имкониятлари (ишлаб чиқариш ҳажми ва бозордаги улуши, сарф - ҳаражатларнинг даражаси ва таркиби, рентабеллиги, бошқа фирмалар ўхшаш товарлари баҳоси ва бошқ.);

- асосий ишлаб чиқариш омиллари баҳолари (молиявий ва материал ресурслар, ишчи кучи, ахборотлар ва шу кабилар);

- янги товарлар ишлаб чиқариш бўйича потенциал ҳамкорлар ва уларнинг ишлаб чиқариш - технологик ва молиявий - иқтисодий имкониятлари. Янги товарларни охирги истеъмолчилар қўллаши босқичида:

- бозорларда пайдо бўлаётган янги маҳсулотлар, хизматлар, технологиялар (жумладан, келажак босқичида ишлаб чиқаришга тайёрланаётганлари ҳам) ҳамда уларни олиш каналлари ва сервиси; - янги товарларни қўллаш манбалари ва молиялаш шартлари;

- янги товарларни қўллашни амалга ошираётган корхоналар учун молиялаш схемалари. Шунини қайд қилиш лозимки, юқорида келтирилган маълумотларнинг бир қисми нафақат кўрсатилган босқичларда, балки инновацион жараённинг бошқа босқичларида ҳам қўлланилади, чунки турли босқичларда у ёки бу объектга нисбатан дастлабки, оралиқ ва охирги ечимлар ишлатилиши мумкин.

1.2 Мобил ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва унинг хусусиятлари.

Ҳозирги вақтда шу нарса равшанки, «инсон-машина» ахборот тизимлари ва технологияларининг муваффақиятли фаолият юритиши лойиҳалаштиришнинг сифатини белгилаб беради.

Лойиҳалаштириш мобил ахборот технологиялари самарали фаолият юритиши ва мобил ахборот технологиялари аниқ иқтисодий объекти фаолияти соҳасида ўз касбий вазифаларини бажариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ШК ва коммуникацияларнинг ривожланган воситаларидан фойдаланувчи мутахассислар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадига эга. Мазкур масалани лойиҳалаштириш шундай тизимни яратишни таъминлайдики, у ўзининг техник, дастурий, ахборотли ташкил этувчилари, яъни ўзининг технологик асосларини доимий такомиллаштиришга ва амалга ошириладиган бошқарув вазифалари ҳамда ўзаро ҳамкорлик объекларининг турли-туманликларини кенгайтиришга қодир бўлади.

Лойиҳалаштириш жараёнида ҳам иқтисодий (ишлаб чиқариш, хўжалик) объектининг асосий фаолиятини ташкил қилиш, ҳам бошқарув тадбирларини ташкил қилиш такомиллаштирилади.

Мобил ахборот технологияларининг оммавий лойиҳалаштирилиши ягона назарий қоидаларни ишлаб чиқариши, уларни яратиш ва фаолият юритишга услубий ёндашишни талаб қилади, уларсиз турли хилдаги иқтисодий объектларнинг ўзаро ҳамкорлиги, уларни мураккаб кўп босқичли халқ хўжалиги мажмуасидаги меъёрий фаолият юритиши мумкин эмас.

Даставвал академик В. М. Глушков томонидан шакллантирилган мобил тизимларни лойиҳалаштириш бўйича илмий услубий қоидалар ва амалий тавсиялар ҳозирги вақтда мобил ахборот технологияларини яратишнинг асосий тамойиллари: тизимийлик, ривожланиш, бирга мавжуд бўла олиш стандартлаштириш ва бир шаклга келтириш самарадорлик сифатида вужудга келади.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик корхоналари, фирмалар, корпорациялар, банклар, ҳудудий бошқарув идоралари ўзида мураккаб тизимларни намоён этади. Улар ишлаб чиқариш ва бошқарув вазифаларини амалга оширувчи кўп сонли элементлардан иборат. Бундай иқтисодий элементлар кўп босқичли тузилишга ҳамда жуда кенг ташқи ва ички ахборот алоқаларига эга. Турли-туман моддий, ишлаб чиқариш ресурслари ва кўп кишилиқ жамоалар ўзаро ҳамкорлик қиладиган мураккаб тизимларнинг меъёрида фаолият юритишини таъминлаш учун ҳам алоҳида элементларнинг, ҳам умуман тизимларнинг бошқаруви амалга оширилади.

Бошқарув, энг муҳим вазифа сифатидан ҳар бир тизим олдида турган мақсадларга эришишга, уларни бажарилиши учун шароитлар яратилишига мўлжалланган. Бу, белгиланган, тузилманинг барқарорлигини, унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, фаолиятнинг белгиланган тартибига риоя қилиш, тизимда у ёки бу синфий хусусиятларни сақлаб қолиниши ёки шаклланиши, ишнинг берилган дастурларини бажарилиши бўлиши мумкин.

Бошқарув мақсад сари йўналтирилган ҳаракатларнинг мажмуи сифатида иқтисодий объектнинг фаолият юритиши мақсадида аниқ вазиятларда қабул қилинган қарорлар тамойилларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Аммо аслида ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ҳулқи, қоидага кўра бир эмас, балки бир неча мақсадлар билан белгиланади, улар бу мақсадларнинг муҳимлиги бўйича тартибга солинади ва берилган устиворликка мувофиқ ҳолда ҳисобга олинади.

Бошқарув таъсирлари бошқарув тизимида жамланган ва фаолият юритувчи ҳамда ташқи муҳитдан тўғридан-тўғри ва тескари алоқа каналлари бўйича келиб тушувчи ахборотлар асосида шаклланади. Шундай қилиб, бошқарув ҳар бир тизимнинг энг муҳим вазифаси — ахборотларни олиш, берилган алгоритмлар ва дастурлар ёрдамида уларни ишлаб чиқиш бўйича тадбирларни бажариш, олинган маълумотлар асосида тизимнинг бундан кейинги ҳулқини белгиловчи бошқарув қарорларини шайлашдир.

Ахборотлар моддий манбаларда қайд қилиниши ва узатилиши боис ахборотларни қабул қилгаш, йиғиш, ёзиш, узатиш, ўзгартириш, ишлаб чиқиш, сақлаш, қидириш ва бериш бўйича кишилар ва техник воситаларнинг ҳаракати зарур. Бу ҳаракатлар ахборот жараёнлари меёрига ўтишини таъминлайди ва бошқарув технологиясига киради. Улар маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнлари томонидан электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Объект фаолияти устидан кузатишни олиб боришда ахборотларни олиш, маълумотларни йиғиш, уларни рўйхатга олиш, алоқа каналлари бўйича узатиш учун техник воситаларни қўллаш ахборот жараёнларини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Информатика автоматлаштирилган тизимларнинг фаолият юритиши шароитларида ахборотларнинг ўзгариши қонунларини белгилайди, уни алгоритмлаштириш, инсон ва ЭҲМ мулоқотининг тил воситаларини шакллантириш усулларини ишлаб чиқади.

Мураккаб иқтисодий тизимларда самарали бошқарув таъсирини ишлаб чиқиш учун бошқарувнинг тегишли алгоритмларини яратиш билан бир қаторда, турли-туман ахборотларнинг катта ҳажмларини қайта ишлаб чиқиш ҳам талаб қилинади. Иқтисодиётда бошқарув мобил ахборот технологияларини ишлаб чиқиш зарурияти худди шундан келиб чиққан.

Тизимликмобил ахборот технологияларининг яратилиши, фаолият юритиши ва ривожланишидаги энг муҳим омиллардандир. У тадқиқот қилинаётган объектга бир бутун сифатида ёндошишга, бунинг асосида тизимнинг яхлитлигини таъминловчи таркибий элементлар ўртасидаги алоқаларнинг хилмахил турларини аниқлашга"; тизимнинг ишлаб чиқаришхўжалик фаолияти йўналишларини ва у томонидан амалга ошириладиган аниқ вазифаларни белгилашга имкон беради. Тизимий ёндошиш макрова микроёндошишлар номини олган икки хил таҳдид ўтказишни кўзда тутаяди.

Макротаҳлилда тизим ёки унинг элементига юқорироқ таркибдаги тизимнинг бир қисми сифатида қараш керак. Ахборотли алоқаларга алоҳида аҳамият берилади: уларнинг сони белгиланади, тизимни ўрганиш мақсади билан асосланган алоқалар фарқланади ва таҳлил қилинади, кейин энг афзали, берилган мақсадли вазифани амалга оширувчиси танлаб олинади. Микротаҳлилда эса объектнинг тузилиши ўрганилади, унинг ташкилий элементлари, бошқа элементлар ва ташқи муҳит билан алоқаси орқали намоён бўлувчи хизматли тарифлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. мобил ахборот технологияларини лойиҳалаштириш жараёнидаги тизимли ёндошиш фаолият юритишнинг математик баёнидан фойдаланишга, айрим элементлар ва, умуман, тизимнинг турли хил хусусиятларини тадқиқ қилишга, янгидан ташкил қилинган ишни таҳлил этиш учун ўрганилаётган жараёнларни моделлаштиришга имкон беради.

Бошқарув мобил ахборот технологиялари учун вертикал ҳолда ўзаро тобе бўлган элементлар (тизимчалар)га эга кўп босқичли иерархия ҳосилдир. Иерархик тизимларнинг афзаллиги бошқарув тизимларда кенг тарқалишга кўмаклашади. Шундай қилиб, иерархик тузилма тизимнинг ҳар бир босқичи учун айрим элементлар устидан ҳаракатлар нисбатан эркинлигани ва мувофиқлаштиришнинг маҳаллий мезонлари билан умумий фаолият юритувчи тизимнинг ялпи мезонларини, турли хилдаги бириктирилган имкониятларини яратади; бошқарув тизимининг нисбатан ўзгарувчан шароитларга мослашиш имкониятини таъминлайди; элементли серобликни олиб бориш, ахборотлар оқимларининг йўналишларини тартибга солишнинг имкониятлари ҳисобига ишончлилигини оширади.

Тизимли ёндошиш ва моделлаштиришнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, у нафақат барча муҳим, яратувчини қизиқтирувчи тизимни таҳлил этиш учун қулай шаклда акс этгаришга, балки ЭҲМда аниқ тажрибачи томонидан берилган шароитларда тизимларнинг хулқини тадқиқ қилиш учун ҳам фойдаланишга имкон беради. Шу боис ҳозирги пайтда мобил ахборот технологияларини ташкил қилиш асосида тизим тузилишининг мувофиқ

вариантини топишга ва у билан унинг фаолият юритишининг энг катта самарадорлигини таъминлашга имкон берувчи тизим асосида моделлаштириш усули ётади.

Ривожланиш тамойилишундан иборатки, мобил ахборот технологиялари тизим вазифалари ва унинг таъминланиш турларини доимо тўлдирилиши ва янгиланишининг имкониятларини ҳисобга олиш орқали ташкил қилинади. Автоматлаштирилган тизим ўзининг ҳисоблаш қувватларини ошириши, янги техник ва дастурий воситалар билан жиҳозлаиши, маълумотлар базалари тизими кўринишида ташкил қилинадиган вазифалар доираси ва ахборот фондининг доимо кенгайиши, янгилашга қодир бўлиши заруриятини кўзда туттади.

Бирга мавжуд бўла олишлик тамойилимобил ахборот технологияларининг турли хиллари, босқичларини уларнинг биргаликда фаолият юрйтиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилишга қодирлигини таъминлашдан иборат бўлади. Бирга мавжуд бўла олишлик тамойилининг амалга оширилиши иқтисодий объектларнинг мўътадил фаолият юритишини таъминлашга, халқ хўжалиги ва унинг бўғинлари самарадорлигани оширишга имкон беради.

Стандартлаштириш ва бир шаклга келтириш тамойилимобил ахборот технологиялари фаолият юритишининг намунавий, бир шаклга келтирилган ва стандартлаштирилган элементларини қўллаш заруриятдан иборат бўлади. мобил ахборот технологиялари ташкил ққлиниши ва ривожланишининг бу тамойилни амалиётга тадбиқ этиш лойиҳавий қарорларни шакллантириш ва лойиҳалаштириш ишларини автоматлаштирилишини тадбиқ этишда жамланган тажрибадан мумкин қадар кўп фойдаланишда мобил ахборот технологияларини яратишга кетган вақт, меҳнат ва қийматли харажатларни қисқартиришга имкон беради.

Ахборотларни йиғиш ва рўйхатга олиш турли хилдаги иқтисодий ахборотларда турлича кечади. Бу тадбир саноат корхоналари, фирмаларнинг автоматлаштирилган бошқарув жараёнларида энг мураккаб кечади, бу

Ўринда объектнинг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини акс эттирувчи бирламчи ҳисоб ахборотларини йиғиш ва рўйхатга олиниши бажарилади. Молия идораларида ҳам бу тадбирлар анчагана мураккабдир, бунда пул ресурслари ҳаракатини расмийлаштириш амалга оширилади.

Бунда бирламчи ахборотларнинг ишончилиги, тўлиқлиги ва ўз вақтидалигига асосий аҳамият берилади. Корхоналарда ахборотларни йиғаш ва рўйхатга олиш турли хилдаги хўжалик операциялари (тайёр маҳсулотларни қабул қилиш, материалларни олиш ва чиқариш)ни бажаришда, банкларда юридик ва жисмоний шахслар билан молиякредит операцияларини бажаришда амалга оширилади. Ҳисоб маълумотлари ишлаб чиқилган деталар, йиғилган қисмлар, буюмларнинг нуқсон сирини ҳисоблаш натижасида белгиланади. Далилий материалларни йиғаш жараёнида моддий объектларни ўлчаш, ҳисоблаш, ўлчаш, пул купюраларини ҳисоблаш, айрим бажарувчилар ишининг вақтли ва миқдорий тарифларини олиш бажарилади. Ахборотларни йиғаш, қоидага кўра, уни рўйхатга олиш, яъни ахборотларни моддий манбаалар (хужжатда, машина манбаасида) қайд этилиши, ШКга киритиши билан бирга олиб борилади. Бирламчи хужжатларга ёзиш асосан қўлда амалга оширилади, шу боис йиғиш ёки рўйхатга олиш тадбири ҳозирча энг кўп меҳлатни талаб қилади, хужжатлар айламасининг автоматлаштирилган жараёни ҳали ҳам фаол бўлиб қолмоқда. Корхона бошқарувини автоматлаштириш шароитларида асосий эътибор ахборотларни миқдорий ўлчаш, рўйхатга олиш, жамлаш ва алоқа каналлари бўйича узатиш, керакли хужжатларни шакллантириш ёки тизимда олинган маълумотларни жамлаш учун бевосита ЭҲМга киритиш операциялари билан бирга олиб бориладиган ахборотларни йиғиш ва рўйхатга олишда техник воситалардан фойдаланишга берилади.

Ахборотларни узатиш турли хил усуллар: чопар (куррьер)лар ёрдамида, почта бўйича жўнатиш, транспорт воситалари билан етказиб бериш, коммуникацияларнинг бошқа воситалари ёрдамида алоқа канали бўйича масофадан узатиш орқали амалга оширилади. Алоқа каналлари бўйича

масофадан узатиш маълумотларни узатиш вақгани қисқартиради, аммо уни амалга ошириш учун махсус техник воситалар зарур, бу, узатиш жараёнини қимматлаштиради. Йиғиш ва рўйхатга олишнинг техник воситалардан фойдаланиш афзалроқ, у иш жойларида ўрнатилган датчиклар ёрдамда ахборотларни автоматик равишда йигаб, уларни бундан кейинги ишлаб чиқиш учун ЭҲМга узатади, бу унинг ишончилигани оширади, меҳнат сарфини пасайтиради.

Бирламчи ахборотлар масофадан ҳам, улар вужудга келадиган жой ва натижавий тескари йўналишда ҳам узатилади. Бу ҳолда натижали ахборот турли хилдаги қурилмалар: дисплей, табло, босиб чиқарувчи қурилмалар билан қайд қилинади. Ахборотларнинг алоқа каналлари бўйича ишлаб чиқиш марказига келиб тушиши асосан икки усулда амалга оширилади: машина манбаси ёки бевосита ЭҲМ махсус дастурли ва аппаратли воситалари ёрдамида киритилади.

Замонавий телекоммуникацион воситалар ёрдамида ахборотларни масофадан ўзатиш доимо ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Ахборотларни узатишнинг бу усули кўп босқичли соҳалараро тизимларда алоҳида аҳамиятга эга, бунда масофадан узатиш ахборотларни бошқаришнинг бир босқичдан бошқасига ўтишини тезлаштиради ва маълумотларни ишлаб чиқишнинг умумий вақтини қисқартиради.

I боб нинг хулосаси сифатида шуни айтиш мумкинки, бу бобда замонавий ахборот тизимлари ва уларнинг мобил ахборот тизимларда қўлланилиши бўйича назарий маълумотлар билан танишдик.

II БОБСОҲА ТАҲЛИЛИ ВА МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

2.1 Ресторанлар бизнеси соҳасида ахборот технологияларни қўллаш.

Ресторанлар сони ошиб бориши билан улар орасида рақобат ҳам кучаяди, бу ўз навбатида мавжуд ресурслардан оқилона ва унумли фойдаланишни талаб этади. Бунақа шароитда муваффақиятли бизнес олиб бориш учун уни юритиш ва ривожлантириш учун зарур воситаларга инвестиция қилиш зарур. Ресторан бизнесини ривожлантиришнинг энг асосий воситаларидан бири – бу ресторанларни автоматлаштириш замонавий тизимидир.

Замонавий автоматлаштирилган ресторан тизими – бу кўп функцияли ва осонлик билан замонавийлаштириладиган, ресторанны бошқаришнинг профессионал тизимидир. Автоматлаштиришдан мақсад ресторанны бошқариш самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатишни тезлатиш ва ишдаги суистеъмоллик ҳоллари, айниқса ўғрилиқни минималлаштиришдир.

Муваффақиятнинг катта улуши аъло даражадаги хизмат ва ходимларнинг тезкор ишига боғлиқ бўлади. Айнан ресторан ишини автоматлаштириш тезлик ва сифат курсатгичларини оптимал бирлаштириш имконини беради.

Автоматлаштирилган рестораннынг бу каби бошқа муассасалардан яққол устунлик томонлари кўзга ташланиб туради: юқори сифатли сервис ва миждозларга хизмат кўрсатиш тезлиги – буюртмани расмийлаштиришда хатоликлар йўқлиги – автоматик тартибда буюртмага ишлов бериш ва топшириш – буюртмани қабул қилишдан бошлаб уни бажаришгача бўлган барча жараёнларни тўлиқ назорат қилиш – ресторан молиявий натижаларини мунтазам кузатиб бориш имконияти.

Ресторанларни автоматлаштиришнинг махсус дастурий таъминот мажмуаси ва воситалари ресторан бизнесини юритиш имкониятларини анча кенгайтиради:

- автоматлаштириш маркетинг ва ҳисоб сиёсатларининг янги авлодини жорий этиш ва доимий равишда муассаса иши тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш.

- ходимларнинг мажбурият ва жавобгарлигини аниқ белгилаб, ходимлар томонидан суистемол қилиш ҳолатлари олди олинади, бошқарувда инсон фактори ўрнини минималлаштириш мумкин.

- автоматлаштириш тизими ёрдамида ҳисобга олиш бўйича кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни йўқотиш, нархларни пасайтириш ва бонуслар сиёсатини унумли бошқаришни таъминлаш, банкет ва корпоратив тадбирларни режалаштириш ва ҳисобга олиш, мижозлар билан ишлашни персоналлаштириш, доимий мижозларга жой брон қилиш ҳисобини олиш бориш имкони пайдо бўлади.

- муассасанинг барча тузилмалари иши узлуксиз мониторингини олиб бориш, ресторан фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш мумкин бўлади.

Ресторан учун уяли дастур (илова) – бу бизнесни ривожлантиришда ёрдамдир.

Ҳар бир замонавий ресторан қўшимча ривожлантиришга муҳтожлик сезади,

ва уяли дастур ишлаб чиқиш – ўз муассасаси таниқлилигини оширишнинг энг яхши усулларида биридир. Ундан ташқари, iOS ва Android уяли қурилмалар учун дастурлар юқори даражадаги сервисни таъминлаб беради, бу мижозлар сонидан ижобий таъсир этади.

Ресторан учун уяли дастур (илова) нималарни ўз ичига олади?

Кўпгина компания ва хусусий дастур ишлаб чиқувчилар ресторан ва бошқа умумий овқатланиш муассасалари учун уяли дастур яратиш бўйича ўз хизматларини таклиф этадилар, ва ҳар бир аниқ ҳолатда дастурнинг функциялар тўплами турлича бўлиши мумкин. Лекин дастур ёрдамида ечилиши керак бўлган асосий вазифалар ўхшаш бўлади.

Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *ресторан тўғрисида маълумот*. Ҳар бир смартфон фойдаланувчиси муассаса манзили ва унинг шаҳар харитасида белгиланиши, иш вақти ва бошқа фойдали маълумотларни кўриши мумкин;

- *янгиликлар*. Мижозлар энг сўнгги ўзгаришларни кўриши, янги таомлар, акция ва нарх пасайиши ҳақида ўқиши мумкин. Бу маълумот кўпинча Push хабарнома кўринишида берилади, бу эса эълонни кўрилишини кафолатлайди;

- *таомнома*. Мижоз ресторанга келишдан олдин ранг-баранг таомномани варақлаб кўриши ва бу сафар нимани таътиб кўришни қарор қилиши мумкин;

- *жой брон қилиш*. Уяли дастур орқали махсус шаклни тўлдириб стол буюрта қилиш мумкин. Бу смартфон эгаси учун максимал қулайлик яратади ва қўнғирокқа кетадиган маблағни тежаш имконини беради;

- *овқатни етказиб бериш*. Кўпгина ресторанлар уйга овқатларни етказиб беришдан қўшимча даромад олади, ва дастур керакли таомларга қисқа муддатларда буюртма беришда кўмаклашади.

Мижозлар учун қулайликлардан ташқари уяли дастурни жорий этиш муассаса фаолиятини яхшилашга йўналтирилган. Яратилган дастур App Store ёки Google playда юкланса, тўловга лаёқатли аудитория орасида ресторан ёки кафенинг обрўси ва таниқлилиги анча ошади.

iOS ва Android дастурларини ишлаб чиқиш – ресторан учун устунликлар.

Ресторан ўз уяли дастурини яратиш бир қатор устунликларни беради:

- *даромаднинг ошиб бориши* – дастур орқали таомларни сотиш мижозлар учун жуда қулай, ва ушбу сервиснинг сифатидан келиб чиқиб, улар айнан шу ресторанга таом буюртма беришга кўникиб қолишади;

- *мижозлар базасини яратиш*. Дастур орқали ресторан ўз мижозлари билан боғланиш имконига эга, демак ўз базасига эга бўлади ва унинг ўзига хос хусусиятларида келиб чиқиб кейинги ўзгартиришларни режалаштиради;

- *мижозлар учун маълумот.* Дастур ёрдамида мижозлар доимо янги таомлар, қайси пайтда нархлар тушиши тўғрисида маълумотга эга бўладилар, бу эса ташрифлар сонини оширади;

- *доимий мижозлар.* Одамлар ҳамма вақт қулайлик ва тезликни кадрига етишади, Android дастурини ишлаб чиқиш эса ресторан учун ҳар иккаласи кўрсаткични бера олади. Агар мижоз ўз уяли қурилмасида таомномани тезда кўра олса, уч клик ёрдамида ишхонасига овқат буюртма беролса ва таом ва ичимликларга арзон нархлар тўғрисида янгиликларни ўқиш имконига эга бўлса, у ҳеч қачон бошқа қўшни ресторанга кетиб қолмайди.

2.2 Андроид операцион тизими ҳақида

Андроид — мобил телефонлар учун жаҳонда энг машҳур операцион тизими пайдо бўлганлигига атиги беш йил бўлганлигига ҳатто ишонгинг ҳам келмайди. Қуйида Андроид тизими ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Андроид (юнонча сўз бўлиб, икки бўғини — «эркак» ва «ўхшаш») — одамсифат робот маъносини ифода этади. Балки мана шунинг учун Андроид операцион тизими логотипида робот тасвирлангандир.

Андроид операцион тизимининг яратилиши тарихи 2002-йиллардан бошланган. Мана шу даврда Google корпорацияси яратувчилари Е. Рубиннинг дастурий ишланмалари тўплами билан қизиқиб қоладилар. Дастлаб мобил қурилмалар учун янги операцион тизимни яратиш лойиҳаси билан катта махфийлик остида ТАндроид Инс. компанияси шуғулланган, ушбу компанияни кейинчалик Google сотиб олади.



2.1 Расм. Андроид тизими логотипи

Андроид — Linux ядросига асосланган коммуникаторлар, планшетли компьютерлар, электрон китоблар, рақамли мусика ускуналари, кўл соатлари, нетбуклар ва смартбуклар учун портатив (тармоқли) операцион тизимдир. Дастлаб, Андроид Инс. компанияси томонидан яратила бошланган, уни кейинчалик Google сотиб олган. Кейинчалик Google Опен Ҳандсет Аллиансе (ОНА) альянсини ташкил қилди, у ҳозирда ҳам платформани кўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш билан шуғулланади. Андроид Google томонидан ишлаб чиқилган кутубхона орқали қурилмани бошқарувчи Java иловасини яратишга имкон беради. Андроид Native Development Kit Си ва бошқа тилларда ёзилган иловаларни яратади.

2012-йилнинг учинчи чорагида сотилган смартфонларнинг 75 фоизида Андроид операцион тизими ўрнатилган.

Андроид тизими версиялар тарихи

2008-йил сентябр ойида биринчи версияси чиқарилгандан сўнг тизимга бир неча янгиликлар киритилиши содир бўлди. Ушбу янгиликлар одатда, аниқланган хатоларни тузатиш ва тизимга янги функцияни киритиш билан боғлиқ бўлди. Тизимнинг ҳар бир версияси янгилик сифатида ўзининг кодли номи билан аталди. Код номлари алифбо тартибида берилди.

2012-йил ноябр ойига келиб, тизимнинг 14та версияси яратилди. Охириги версияси — 4.1 Jelly Bean («кўшимчаси билан чайнаш обаки») деб номланди.

НТС компанияси томонидан яратилган НТС Dream смартфони (T-mobile G1 номи остида расман T-Mobile мобил алоқа оператори томонидан яратилган) Андроид бошқаруви остида ишловчи биринчи қурилма бўлди, унинг тақдироти 2008-йил 23-сентябр куни бўлиб ўтди. Кўп ўтмай, смартфонлар бошқа ишлаб чиқарувчилари томонидан Андроид асосида қурилма ишлаб чиқариш истаги билан кўплаб мурожаатлар келиб туша бошлади. Планшетлар учун мўлжалланган Андроид учинчи (Ҳонейсомб)

версияси чиқиши билан борган сари кўпроқ ишлаб чиқарувчилар ушбу платформада планшетлар ишлаб чиқаришларини эълон қила бошладилар.

Смартфонлар ва планшетлардан ташқари Андроид операцион тизимини бошқа қурилмаларга ҳам ўрната бошладилар. Масалан, 2009-йил охирида Андроид асосида ишловчи биринчи фоторамка савдога чиқарилди. 2011-йил июн ойида Италиянинг Блуе Скй компанияси Андроид операцион тизими бошқаруви остида ишловчи иъмВатч интеллектуал қўл соатларини ишлаб чиқаришини маълум қилди. 2012-йил август ойида Никон Google платформасида ишловчи жаҳонда биринчи фотокамерасини тақдим этди.

Бундан ташқари, ташаббускор Андроидни қатор машҳур қурилмаларга кўчириб ўтказиб жорий қилдилар, улар орасида мисол учун, Windows Mobile HTC Touch Dual ва HTC платформасидаги смартфонлар бор, уларда Андроид эмуляция режимида ишга солинган. Мамода ишловчи — Nokia N810 ва Nokia N900 (Hitdroid номли порт) интернет-планшетлари — Windows Mobile операцион тизимида, МееГо, ва HTC HD2 платформасида ишловчи Nokia N9 смартфонлари каби қурилмаларга тўлақонли кўчириб ўтказиш ҳам амалга оширилди, уларда Андроид операцион тизимини microCD-карталар сифатида ички Nand-хотира сифатида ҳам ишга солиш мумкин.

Шу билан бирга, ўрнатилган тизим тўла, ҳеч бир чекланишларсиз функционаликка эга. Булардан ташқари, Андроид операцион тизимини Apple қурилмаларига — iPhone, iPod Touch ва iPad ларга Openiboot номли махсус дастур ёрдамида ўрнатиш муваффақиятли тажрибаси ҳам мавжуд, у ушбу қурилмаларда турли операцион тизимларни, шу жумладан, Андроид операцион тизимини ҳам ишга солиш учун мўлжалланган.

Бада операцион тизимидаги қурилмаларда чекланган функциялари билан дастлабки прошивкалари пайдо бўлмоқда. Коолу компанияси Нео ФрееРуннерга Андроидни ўрнатиш билан шуғулланиш билан бирга, қайта ўрнатилган Google мобил платформаси билан ушбу смартфонларни сотишда

ўз бизнесини ривожлантирмоқда. Коолу компаниясидан Нео ФрeеРуннерга биринчи расмий ва умумий фойдаланиш учун Андроид ўрнатилиши бeтa-релизи 2008-йил декабр ойида бўлиб ўтди. Андроид x86 архитектурасига ҳам кўчириб ўтказилган.

Устунликлари

- Баъзи шарҳловчилар Андроид қатор ҳолларда веб-сёрфинг, Google Инс. сервислари билан мослиги каби ва бошқа хусусиятлари билан ўз рақобатчиларидан бири Apple iOS компаниясига қараганда ўзини яхши намоён қилишини айтадилар. Андроид, iOS га нисбатан очиқ платформа ҳисобланади, бу ҳолат унда кўпроқ функцияларни амалга оширишга имкон бeради.

- iOS ва Windows Phone 7 дан фарқли равишда, Андроидда файлларни қабул қилиш ва узатишга ҳам имкон бeрувчи Блуeтoотҳ oқимини тўла амалга ошириш мавжуд. FTP-серверини, тармоққа уланиш нуқтаси режими (Pan хизмати) ва Bluetooth орқали гуруҳли биринчи даражали тармоқни (GN хизмати) амалга ошириш мавжуд.

- Андроид-аппаратларида, одатда, USB ва хотира карталарини олмасдан туриб бошқа узатиш усуллари тезлик чекланишларидан қатъий назар компьютер файлларини тезликда телефонга кўчиришга имкон бeрувчи, MicroCD-кардридер мавжуд; бундан ташқари, iOS ва Windows Phone 7 синхронлаштириш дастури (iTunes ва Zune), орқали амалга оширишдан ташқари, бирор-бир файлларни телефонга/телефондан тўғридан-тўғри узатиш мумкин эмас, Андроид операцион тизимидаги телефонлар эса хотира картаси файллар тизимини USB масс storage девисе («флешка») каби узатиш имконига эга.

